

Тамарахонум уй-музейига ташриф

Шарқ санъатининг йўлчи юлдузларидан бири Тамарахонимнинг ҳаётий ва ижодий фаолияти билан танишиш кенг қамровли билимга эга бўлиш демакдир. 2021 йил 16-апрелда Ер ресурсларини бошқариш факультетининг 4-босқич 14-гуруҳ талабалари гурух мураббийи З.Хафизова билан биргаликда Ўзбекистон халқ артисти Тамарахоним уй музейига ташриф буюрдилар. Музейнинг илмий ходими Ирода Файзуллаева талабаларга Тамарахоним тўғрисида, унинг ҳаёти ва фаолияти хисусида, Тамарахонимнинг ҳаёт йўли, болалик йиллари, рақсга кириб келиши, концерт гуруҳлари, ўзи тузган профессионал рақс дасталари ва ўзбек хореографик таълим назариясига қўшган хиссаси, хамда Тамарахонимнинг лапар фольклор йўналишидаги ижоди, ёши, миллати ва ижтимоий табақасидан қатъий назар томошабинларнинг олдида рақсга тушибни яхши кўргани ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига керакли маълумотларни олишди.



ТИҚҲММИ матбуот котиби